







СПОРТ

БАХТИЁР «БАВАРИЯ» ДАН СОВРИН ОЛДИ


Футбол ишқибозларига яхши маълум, ўтган мавсумда олий лигада тўп сурган Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси ўринбосарлари республика чемпион бўлди.

Бахтиёрнинг ўйинларини кузатиб борган мураббийлар уни республика ёшлар терма командаси таркибига қабул қилишди.

Яқинда Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва «Молодёж Узбекистана» газеталари ҳамкорлигида Герд Мюллер кубоги учун ўтказилган мусобақада турнирнинг энг ёш ўйинчиси — ўн олти ёшли Бахтиёр Жўраев олоҳида соврин соҳиби бўлди.

Унга машҳур «Бавария» футболчилари дастхати туширилган тўпни Германиянинг Ўзбекистондаги Фахруллоева ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ўзи топширди.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



УЛУФ ИБОДАТ ТАДОРИГИ

Муборак Рамазон ойининг биринчи куни — 1997 йилнинг 31 декабрида республика Вазирлар Маҳкамаси «Муборак ҳаж зибратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида» қарор қабул қилди.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳар йили ҳаж мавсумини ўтказишга ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниши фуқароларнинг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга давлатимиз раҳбариятининг эътибори белгисидир.

1998 йил ҳаж сафарини ташкил этиш Ўзбекистон мусулмонлари идорасига юклатилган. Қарорнинг иккинчи бандига мувофиқ бизнинг кўмита мазкур масалада Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ҳар томонлама ёрдам

кўрсатиб, ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, бу масъулиятни ва савобли ишга республикамизнинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари ҳам жалб қилинган.

Шу кунларда ҳажга бориш истиғини билдирган мусулмонлардан аризалар қабул қилиш давом этмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, бу йил аризалар чекланмаган миқдорда қабул қилиниб, шундан сўнггина уларни кўриб чиқиш бошланади.

Ушбу конкурсте тўрт босқичдан иборат бўлади: 1-босқич — ўз ичига Ўзбекистон Конституцияси бўйича дарс ёзишни олади. Дарс мавзуси: «Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар».

2-босқич — «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» мавзусида дарс ёзиш. 3-босқич — «Бола ҳуқуқлари» мавзусида дарс ёзиш. 4-босқич — Ўзбекистон Конституцияси бўйича бўлимни ёзишни ўз ичига олади.

«Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар» мавзусидаги дарслар Очиқ жамият институтига 1998 йилнинг 15 февралгача топширилиши лозим.

Дарслар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: Дарс мақсади Қўлланма ва материаллар Дарс бориши Қўшимча материаллар Дарс даври: 45-90 минут Еш категорияси: 8-11 синфлар Тил: Ўзбек ёки рус тиллари

Конкурсда фақат Ўзбекистон фуқаролари катнашиши мумкин. Конкурсда ўқитувчилар, китоб муаллифлари, ўрта мактаб таълими ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ишловчи маҳаллий ва халқаро ташкилот вакиллари катнашиши мумкин.

Энг яхши дарслар ўқув қўлланмага киритилади ва босмадан чиқарилади. Энг яхши муаллиф ёки муаллифлар гуруҳи 100 АҚШ доллари тенг мукофот билан тақдирланади (Марказий банкнинг курси бўйича Ўзбекистон сўмларида бериледи).

Конкурс ҳақида тўлароқ ахборотни Очиқ жамият институтидан олишингиз мумкин. Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент, 700070, Ивлев кўчаси, 41-уй (Мулжал — «Океан» магазини, Шота Руставели кўчасидаги Турк коллежи). Телефонлар: (3712) 406854, 556160, 548243. Электрон почта shakhlo@osi.freenet.uz.

жомеъ масжидларида ташкил этилган. Жумладан, Акмал Икромов туманидаги «Абдуллоҳ ибни Масъуд», Собир Раҳимов туманидаги «Тўхтабўйвачча», Шайхонтоҳурдаги «Шайх Зайнулдин», Мирзо Улуғбек туманидаги «Шайх Зиёвуддин», Сирғалидаги «Қудус Шариф», Ҳамза туманидаги «Жўрабек», Мирободдаги «Қўйлик ота», Чилонзордаги «Носирхон», Яқкасаройдаги «Ракат», Бектемирдаги «Алибек», Юнусobod туманидаги Рафиқов кўчасида жойлашган масжидларда аризалар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вакилларида тўзилган ҳаж ҳайъати ариза берган фуқароларни 15 январдан 15 февралгача сўбатдан ўтказадди.

Сўнг улар пешма-пеш, 18 февралга қалар тиббий куриклан ҳам ўтадилар. Булажак ҳожилар ҳайъат ва шифокор текширувидан ўтиб, аниқ рўйхати маълум бўлгандан сўнггина улардан сафарпуллари йиғилади ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг тегишли бўлимларида топширилади. Ҳукумати-

Булоқбошилик моҳир хунардан — ёғоч ўймакорлиги устаси Аҳрорбек Назаровни нафақат туманда, балки Фарғона водийсида ҳам яхши танишади.

У ясаган эшик, дераза, дарвозалар ўзининг бежиримлиги, пишиқ ва сифатлиги билан ажралиб туради.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

мизнинг қарорига биноан, бу йил мазкур банк мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1400 АҚШ долларини воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беради.

Бундан ташқари, бу йил мазкур банк мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1400 АҚШ долларини воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беради.

Ҳаж даврида Ўзбекистонликлар Мақкаи Муқаррамадаги «Қудай» меҳмонхона мажмуида жойлашадилар. Бу мажмуа барча ҳожиларнинг бир ерда бўлиши ҳамда Масжидул Ҳарамдан атиги бир ярим километр масофада эканлиги билан қулай. Бу икки манзил ўртасида эртаюк кеч Ўзбекистон байроғи ўрнатилган махсус автобуслар қатнаб туради.

Беҳзод УСМОН. (ЎзА)

SIEMENS NIXDORF

Advertisement for Siemens Nixdorf featuring three numbered images and text describing their integration systems and user-centered computing solutions.

Siemens Nixdorf: User Centered Computing

Advertisement for the Open Society Institute in Uzbekistan, detailing a competition for writing essays on human rights and the rule of law.

Large advertisement for 'Yulmanmalar Markazi' (Travel Agency) listing various sanatoriums and resorts in different regions of Uzbekistan.

Footer section containing contact information for 'Xalq So'zi' newspaper, including phone numbers, addresses, and publication details.